УДК 304.44

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОАНЪАНАВИЙ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

А.А. Эгамбердиев

Мақолада жадал тараққиёт шароитида таълим олиш имкониятларининг кенгайиши ва анъанавий таълим ташкилотлари ўрнига янги таълим институтлари вужудга келаётгани хусусида фикр юритилган. Муаллиф иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида таълимнинг узоқ давом этадиган жараён эканлигини таъкидлаган. Дунёдаги етакчи таълим платформаларининг асосий йўналишларини таҳлил қилиб, улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари хусусида ўз таклиф ва тавсияларини баён этган.

Калит сўзлар: таълим, олий таълим, бир умрлик таълим, диплом, масофавий таълим, ахборот технологиялари, инглиз тили, касб-ҳунар.

В статье анализируется вопрос о расширении возможностей получения образования и о возникновении новых институтов взамен учреждений традиционного образования в условиях ускоренного развития. Автор статьи подчёркивает, что образование является длительным процессом в условиях экономических составных изменений. Также автор на основе изучения основных направлений ведущих образовательных платформ излагает свои предложения и рекомендации о возможностях их использования в Узбекистане.

Ключевые слова: образование, высшее образование, непрерывное обучение, диплом, дистанционное обучение, информационные технологии, английский язык, профессия.

Ўзбекистонда амалга ошаётган модернизация жараёнида таълим тизими муҳим объект ва иккинчи томондан субъект сифатида ўзини намоён этмоқда. Маълумки, таълим тизими тарихан эволюцион тарзда шаклланган жамият тараққиётининг муҳим омили ва натижаси сифатида мавжуд бўлган ижтимоий институтдир.

Таълим тизими инсоният томонидан кашф қилинган ва тараққий эттирилган муҳим ижтимоий ютуқлардан биридир. Мазкур тизим тарихий тараққиёт давомидаги ҳар қандай ижобий ёки салбий ўзгаришларни ўзида акс эттирган. Жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгариш, модернизация таълим тизимининг ҳам трансформациясига объектив равишда сабаб бўлган. Таълим тизими ижтимоий институт сифатида жамият ва унинг аъзолари ахлоқий қоидалари ва ижтимоий фаолият соҳасида ҳар қандай ўзгаришни ўзида акс эттиради. Жамият аъзоларининг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари ҳам таълим тизимида намоён бўлади. Мазкур тизим жамият аъзоларининг эҳтиёжларига қандай жавоб бера олиши ва бу эҳтиёжларни тўғри йўналтира олишига боғлиқ тарзда жамият тараққиётига прогрессив ёки бошқача таъсир этади.

Бугунги глобаллашув жараёнида зиддиятларга тўла ижтимоий ҳаётимизнинг чақириқларига таълим тизимининг ўз вақтида жавоб бера олиши ҳамда ижтимоий ўзгаришларга мослаша олиши кўп жиҳатдан жамият тараққиётининг йўналишларини белгилаб беради. Чунки бугунги кунда глобал ўзгаришларга тўғри жавоб бера олиш мумкин ва зарур бўлган таълим тизимининг ўзи глобаллашув таъсирида унинг объектига айланиб қолмоқда. Бунинг натижасида таълим тизими ҳам кучли зиддиятларга, айрим ҳолларда инқирозларга дуч келмоқда. Бу нуқтаи назардан жамият тараққиёти учун таълим тизимининг ижтимоий модернизация ва ижтимоий

буюртмаларни тўғри ифода этиб, жамият аъзоларини тўғри йўналтириш уларнинг фаолиятини модернизация талабларига мос тарзда реализация қила олиши муҳим стратегик аҳамиятга эга. Демак, таълим тизимининг жамиятнинг стратегик мақсадлари контекстида ижобий моҳият касб этган трансформацияси жамият ва унинг аъзоларининг барча соҳаларида прогрессив тараққиётига хизмат қилади.

Таълим тизимининг юзага келиши тарихига мурожаат қилсак, инсоният ва жамият эволюциясининг дастлабки даврларида таълимнинг махсус ижтимоий институтга айланишига эҳтиёж бўлмаган. Инсонлар ҳаёти ва ижтимоий муносабатларининг содда ва чекланганлиги ҳам бунга сабаб бўлган. Чекланган фаолият жараёнида инсонлар мустақил равишда билим олиб, оддий кундалик тажрибага эга бўлиб борганлар. Инсоннинг маълум бир билимларга эга бўлиши, бошқалар устидан нисбатан ҳукмронлик қилиши ва юқори мавқега эга бўлишига имкон берган. Бундай кишиларнинг ижтимоий мақоми юқори бўлиб, бу ҳолат ижтимоий тенгсизликнинг юзага келишига сабаблардан бири бўлган.

“Таълим институтининг бугунги шакли муҳим билимлар ҳажми ўсиб кетиши натижасида вужудга келган. Чунки тўпланган билимларнинг маълум қисмини ҳам жамият аъзолари томонидан ўзлаштириш имкони қолмаган ва тобора ортиб бораётган билимлар миқдорини бошқариш муаммоси юзага келиши сабабли таълим тизими ижтимоий институт сифатида шаклланган” [1. Б. 131–132].

Жамият ҳар бир аъзосининг ижтимоийлашиб бориши жараёни ва ўша эҳтиёжларидан келиб чиқиб, маълум бир ижтимоий фаолиятни амалга ошириш зарурияти жамиятда таълим тизимининг институционал мақомини мустаҳкамлади.

Олий таълимнинг ноанъанавий шакллари ўзида нималарни акс эттирмоғи лозим?

Биринчидан, шу вақтга қадар амал қилиб келган таълимни ташкиллаштиришнинг қоидалари ва усулларининг ўзгариши ва янги атрибутлар билан бойишида намоён бўлади. Маълумки, инсоният тараққиёти доимо маълум бир йўналишда ривожланади, барқарорлик ҳолатида туради ёки инқирозга учрайди. Ана шундай шароитда ижтимоий институт сифатида таълим ҳам маълум бир ўзгаришларни ўзида акс эттира олиши керак, шундагина таълим жамият аъзолари учун имконияти даражасидаги неъматга айланади.

Иккинчидан, ўқув дастурларининг янги мазмун билан бойиши ва ўзгаришларнинг замон талабларига мослаштира билишда намоён бўлиши зарур. Олий таълим дипломи талабанинг келажакка берилган йўлланмаси бўлиши зарур. Шаклланган компетенциялар бир умр соҳада муваффақиятли ишлашини таъминлай олмаса-да, камида умри давомида зарур ҳолларда инсоннинг ўзгариши ва янги йўлга тушиб кетиши учун имконият бериши зарур.

Учинчидан, инсоннинг мобиллиги билан, узвий равишда таълим олиш муҳитининг кенгайиши билан боғлиқ ўзгаришларда кўриниши лозим. Маълумки, глобал рақамли трансформация жараёни инсониятнинг виртуал мобиллигига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Эндиликда одамлар моддий ва маънавий неъматлардан баҳраманд бўлиш мақсадида йиллаб давом этадиган узоқ сафарларга чиқиши шарт эмас. Коммуникациялар ёрдамида дунёнинг хоҳлаган жойидан маълумотларни олишга муваффақ бўлмоқда. Бу таълим муҳитига ўзгартириш киритиши керакми? Албатта, ҳа! Ҳозирги тиғизлашган вақт шароитида инсон вақтини тежаш ва унга билим бериш осон бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, таълим жараёни ноанъанавий атрибутлар – турли хил виртуал образлар билан бойитилиши керак. Яъни, видео, мусиқа ва тасвирдан иборат анъанавий интерактив воситалардан ташқари виртуал йўл бошлағич ва виртуал фасилитатор шаклида кўриниши мумкин. Бу эса моддий ресурсларни тежаган ҳолда катта аудиторияни қамраб олиш имкониятини беради.

Бешинчидан, ноанъанавий тарзда таълим ташкил этилар экан, вербал мулоқотни максимал даражада сақлаб қолиш чораларини кўриш зарур. Олий таълим муассасаси раҳбарияти ёки профессор-ўқитувчининг талаба билан мулоқоти жараёнида таълимнинг энг асосий мазмуни очилади. Бундай шароитда виртуал мулоқотни имкон қадар ҳақиқий мулоқотга яқинлаштириш чораларини кўриш, бунда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш мумкин бўлади.

Олтинчидан, таълим жараёни қанчалик ўзгача бўлмасин, унинг жамоавийлик тамойили бузилмаслиги керак. Таълим нафақат ўқитувчи ва талаба мулоқоти, таълим бу – талабаларнинг ўзаро мулоқоти ҳамдир. Талабалар жамоасидаги ўзаро рақобат ва ҳамжиҳатлик нафақат самарали билим олиш муҳитини яратади, балки йирик ихтиролар ва илмдаги янгиликлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. К.Мангейм таъкидлаганидек, таълимнинг энг яхши бирлиги индивид эмас, гуруҳдир [2].

Еттинчидан, таълим тизими жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши учун модел вазифасини ўтайди. Чунки ижтимоий муносабатларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган маълум бир даражадаги ўрта ва юқори қатлам шаклланадиган олий таълим даргоҳларида ноанъанавий таълимда ҳам ижтимоий масъулият ва миллий анъана ҳамда қадриятларни сақлаб қолишга бўлган интилиш намоён бўлиши керак. Ноанъанавий таълим шакллари жамиятнинг ҳамжиҳатлиги учун хизмат қилишини истасак, талабаларда масъулият ва жавобгарлик туйғуларини ҳам шакллантира олиш зарурдир.

Саккизинчидан, таълим ўзининг хусусиятига кўра маълум бир мажбурий атрибутлардан иборат бўлиши зарур. З.Фрейд таъкидлаганидек, “ҳар қандай цивилизация тараққиётида ҳар хил хоҳиш-истаклардан воз кечилган мажбурий меҳнат” [3. Б. 46] ётади. Яъни, инсон мобиллиги ва имкониятларининг чеклангани ҳисобига вужудга келадиган таълим шаклларида белгиланган дастурларни ўзлаштириши учун аниқ вазифалар ва топшириқлар, уларни бажармаслик оқибатида эса жазо чоралари туриши зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амал қилаётган масофавий таълимдаги энг катта муаммо ҳам мажбурийлик принципларига риоя этилмагани ва бунинг механизмларини ишлаб чиқиш чоралари кўрилмаганидир. Қайд этиб ўтиш керакки, пандемия шароитида вужудга келган масофавий таълим маълум бир тайёргарликсиз, тўсатдан ва тўлиқ техник имкониятсиз бошлангани мажбурийлик ва жазо тамойилини амалга оширишга тўсқинлик қилди.

Ҳуқуқшунослик ва иқтисодиёт фанларидан фарқли ўлароқ ижтимоий фалсафий ёндашув жараёнларни маълум бир ҳуқуқий ва иқтисодий қонунлардан ҳоли равишда таҳлил қилиш имконини бера олади. Олий таълимга ижтимоий-фалсафий ёндашув асосида университетлар ҳақидаги анъанавий тасаввурларимиздан кўра кенгроқ бўлган қамровни ўз ичига олади. Масалан, ҳуқуқий нуқтаи назардан олий маълумотлилик диплом билан тасдиқланиши керак. Ўқув режада кўрсатилган йиллар давомида ўқиш ва маълум бир фанлар бўйича муваффақиятли имтиҳон топшириш зарур. Ушбу ҳуқуқий қоидалар эса кенгайиб бутун ижтимоий ҳаётимизни қамраб олган. Мана шу методология асосида тармоқ таъриф малака маълумотномаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан олий маълумотли бўлиш шарт бўлган касблар белгилаб қўйилган. Бу эса шахснинг маълум бир соҳа бўйича чуқур билимга эга бўлишига қарамасдан, кўрсатиб ўтилган касб бўйича расмий равишда ишлай олмаслигини англатади. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, “... 2 минг 484 та, яъни 70 фоиз хизматчи лавозими бўйича олий маълумот талаб этилади. Хусусан, маълумотлар базаси билан ишлайдиган мутахассис, веб дизайнер каби ихтисосликларга олий малака талаби қўйилган. Ушбу касбларни IT-марказларда ярим йилда яхши ўрганиш мумкин.

Кутубхоначи, таржимон, банк агенти, реклама мутахассиси каби кўплаб вазифаларга ҳам олий маълумот талаби қўйилган. Меҳнат бозорида бундай касблар бўйича 4 мингга яқин вакансия мавжуд” [4].

Иқтисодиёт фанлари эса олий таълимга маълум бир тижорий фаолият тури ва у, шубҳасиз, фойда олишга қаратилган, деб уқтиради. Фалсафий нуқтаи назардан олий маълумотлилик бу – жамиятда талабгор бўлган соҳалардан бири бўйича чуқур маълумотга эга бўлиш ва шу орқали ижтимоий фаолият кўрсатишдир.

Дунё миқёсида касбларга бўлган муносабат диплом эмас, кўникма шиори асосига қурилган бўлиб, иш берувчиларни қизиқтирувчи энг асосий маълумот бу – талабгорнинг белгиланган иш бўйича компетенцияси мавжудлигидир. Масалан, дунёнинг етакчи IT гигантлари Facebook, Google, ва Apple каби корпорацияларда ишга қабул қилишда олий маълумот умуман талаб қилинмайди. Чунки бу каби инновацион компаниялардаги иш жараёни шу қадар тезкорки, бирон-бир университет олдиндан талабаларга юқоридаги корхоналардаги иш жараёнини ўргата олмайди. Яъни, бутун компанияларнинг фаолияти инновацияларга, ишчи-олимларнинг кундалик илмий изланишлари ва уларни тижоратлаштириш асосига қурилган. Бу ўринда иш излаётган талабгорларга ҳам айнан очиқ платформаларни такомиллаштириш орқали ариза билан мурожаат қилиш таклиф этилади. Facebook компаниясининг ходимлар билан ишлаш бўйича вице-президенти Жанель Гэйлнинг фикрича, ишга қабул қилишда тажрибадан кўра кўникмалар муҳимроқдир [5].

Бу каби тенденциялар ўз-ўзидан ота-оналарни ва мактаб битирувчиларини келажак ҳақида кўпроқ қайғуришга ундамоқда. Шиддат билан ривожланиш кечаётган бир шароитда умр бўйи асқотадиган дипломга эга бўлиш ва бир касбда умр бўйи меҳнат қилиш имконияти камайиб кетган. Фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва бу каби ўзгаришлар натижасида глобал миқёсда олий таълим беришнинг ноанъанавий усуллари, йўллари вужудга келмоқда. Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган ёки жуда кам учрайдиган олий таълим берадиган тузилмалар ҳақида тўхталиб ўтсак. Бу ўринда олий таълим деганда, жамият ҳаёти учун зарур бўлган, чуқур билим ва кўникма талаб қиладиган, шу билан бирга, шахсга ҳужжат(диплом)да бириктириб қўйилмаган ижтимоий институтни назарда тутмоқдамиз.

Ўзи олий маълумотга эга бўлмаган ва компьютер дастурчилигини мустақил равишда ўрганган франциялик тадбиркор Ксавье Ньел 2013 йилда “42-мактаб” лойиҳасини ишга туширади. Мактабда ўқиш бепул. Профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмайди. Талабалар туну кун очиқ бўлган электрон базалардан ўзаро таълим бериш ва лойиҳавий методлар асосида ўқиб ўрганади. Ўқишнинг дастлабки ҳафтасида “бассейн” деб номланган мураккаб ўқув дастури бор. Унги ўзлаштиришдаги асосий шиор “суз ёки ўл”.

Ҳозирги кунда дунёнинг 33 та йирик шаҳарларида ушбу лойиҳа ишлаб турибди ва унинг битирувчилари йирик рақамли технологияларга асосланган компанияларда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда мактаб асосчилари ушбу лойиҳани “таълимдаги инқилобдан кўра каттароқ ҳодиса” [6] сифатида баҳолайди. Кўпи билан уч йил давом этадиган бир қатор ҳомийлар маблағига фаолият кўрсатадиган лойиҳа аслида таълимдаги катта бир бўшлиқни тўлдирди. Информацион технологияларнинг жадаллик билан ривожланиши натижасида таълим ва фаннинг ишлаб чиқаришда ортда қолиши кузатилди. Мана шундай шароитда гуркираб ривожланаётган корпорацияларга зарур бўлган мутахассисларни юқоридаги каби лойиҳалар етказиб бера бошлади. Академик университет таълимидан анча фарқ қиладиган, фақат код ёзишга асосланган рақамли коллежларда фақатгина ўта тор доирадаги малака ва кўникмалар шаклланади. Битирувчиларга эса ижтимоий фанлар – фалсафа, ҳуқуқшунослик ва иқтисодиётни мустақил равишда ўзлаштиришга тўғри келади.

Ҳозирги кунда ушбу лойиҳа доирасида ўқиш онлайн форматга ўтказилган бўлиб, бу ахборот-коммуникацион технологиялари соҳасини

ўрганиш, айниқса, ўқитувчисиз ўрганиб келаётган талабалар учун ортиқча қийинчилик туғдирмайди.

Замонавий олий таълимнинг ноанъанавий шакллари сифатида масофавий таълим курслари ҳам кўриб чиқилади. Албатта, ҳозирги кунда аксарият олий таълим муассасалари масофавий таълим форматига ўтган бир шароитда онлайн курсларнинг улардан қуйидагича фарқлари мавжуд.

Биринчидан, барча онлайн курслар жамият ҳаёти учун энг зарур бўлган мутахассисликлар бўйича касб-ҳунар ўргатишга ихтисослашган;

иккинчидан, онлайн курсларнинг ўқув режалари фақатгина ўқитувчиларнинг билим доираси ва тингловчилар истагидан келиб чиқиб тузилади;

учинчидан, ўқув режалар юқори турувчи орган томонидан тасдиқланмайди;

тўртинчидан, онлайн курслар ташкилотчиларининг на тингловчилар, на ота-оналар, на иш берувчиларнинг олдида касбий тайёргарлик даражаси бўйича мажбурияти мавжуд эмас;

бешинчидан, ўқитиш харажатлари олий таълим муассасаларига қараганда бир неча ўн баробарга арзонроқ;

олтинчидан, тингловчиларни ижтимоий йўналиш, ватанпарварлик, ижтимоий бурч каби масалаларга йўналтирмайди ва бунинг салбий жиҳатлари мавжуд.

Онлайн курсларнинг битирувчиларини олий маълумотли кадр деб ҳисоблаш мумкинми? Юқорида келтириб ўтилган асосларга кўра бу саволга бир овоздан на инкор, на тасдиқ жавобини бериб бўлади.

Ўзгараётган бозор коньюктураси шароитида авваллари ўзлаштириш анчайин мураккаб ҳисобланган касбларни ўрганиш ҳозирги кунда замонавий технологияларни қўллаш ҳисобига енгиллашган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "...маълумотлар базаси билан ишлайдиган мутахассис, веб дизайнер каби ихтисосликларга олий малака талаби қўйилган. Ушбу касбларни IT-марказларда ярим йилда яхши ўрганиш мумкин" [4].

Қайд этиб ўтиш керакки, олий таълим йирик бизнес соҳаси ҳисобланади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида бир йилда олий таълим хизматлари учун 400 миллиард АҚШ доллари сарфланади ва бу кўрсаткич Amazon, Apple, Facebook, Google, Microsoft ва Twitter трансмиллий корпорацияларининг йиллик фойдасидан кўпроқдир [7]. Бу эса олий маълумот бериш жараёнини янада арзонлаштириш ва таълим сифатини кўтаришга қаратилган кучли рақобатни келтириб чиқармоқда. Ўз ўзида бу жараёнда рақамли компаниялар етакчиликни сақлаб турибди.

Стенфорд университетининг олимлари Себастьян Трун ва Питер Норвиг томонидан 2010-йилларда "Сунъий интеллектга кириш" номли ўқув курси яратилди. Онлайн ўқув курсларида дунёнинг 190 мамлакатидан 160000 нафар талаба иштирок этади [8]. Платформанинг муваффақияти кейинчалик унинг кенгайишига ва дунё миқёсидаги етакчи онлайн таълим платформаси – Udacity пайдо бўлишига олиб келади. Ҳозирги кунда ушбу платформа 1 миллион 600 минг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатади ва унинг таркибида университет таълимини беришга қаратилган сектори ҳам мавжуд.

Udacity 2013 йилда АҚШнинг Сан-Хоса давлат университети билан ҳамкорлик ўрнатади. Иккита алгебра ва битта статистикага кириш фанларидан битта семестр давомида 3 та кредитни тўлиқ онлайн форматда ўзлаштириш имкониятини беради. Хизмат нархи 150 АҚШ доллари этиб белгиланади. Анъанавий таълим шакли бўла туриб, 2013 йилларда масофавий форматга ўтилади ва 300 нафар талаба ушбу курсларга ёзилади. Ушбу тажриба кейинчалик кенгаяди ва талабалар сони 1000 нафарга етади. Ўқув курслари сони 5 тага ортади. Slate интернет журналининг маълум қилишича, ушбу лойиҳа талабаларнинг ярмидан кўпи имтиҳонлардан ўта олмагани учун тўхтатилади [9].

Ҳозирги кундаги Udacityнинг асосий таълим платформаси Nanodegree бўлиб, ойига 200

АҚШ доллари эвазига бир йил давомида компьютер технологиялари бўйича билим олиш мумкин. Шунингдек, қўшимча маблағ эвазига билимларни мустақил баҳолаш хизматини ҳам кўрсатади. Nanodegree plus таъриф режасида эса фойдаланувчини иш билан таъминлаш кафолати берилади ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган, лекин иш топа олмаган мижозга таълим харажатларини қайтариб бериш ваъда қилинган [10].

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда Udacity онлайн таълим платформасида 13 ёшдан 80 ёшгача таълим олувчилар бўлиб, уларнинг сони бир ярим миллиондан ортиқ.

Ушбу онлайн таълим платформасининг асосий таълим йўналиши рақамли технологиялар ва дастурий таъминот соҳасида билим беришга қаратилган бўлиб, бугунги кунда дунёдаги етакчи компаниялардан бирига айланган.

Юқоридаги таълим платформаси тажрибасидан фойдаланишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Масофавий таълимда ўзлаштиришнинг мураккаблиги ва баҳоларнинг паст бўлиши аллақачон исботланган. Демак, миллий таълим тизимида аттестациянинг масофавий таълим мос моделларини яратиб, талабалар билимини объектив баҳолаш зарур. Олий таълим муассасалари маълум бир кредитларни франшизинг асосида бошқа таълим субъектларига бериши мумкин. Мисол учун сиртқи йўналишдаги инглиз тилини масофавий таълим билан шуғуланадиган таълим компанияларига берилса, самарадорлик бир неча бор юқори бўлиши мумкин.

Йирик онлайн таълим платформаларида ўқиш учун инглиз тилини билиш шарт. Субъект борлиқни англаш жараёнида уни бир бутун ва яхлит ҳолда тасаввур қилишга интилади. Қисмлардан иборат тасаввур нотўлиқ билимни, яна ҳам аниқ қилиб айтганда, умумий фикрни ташкил қилади, холос. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инглиз тилини билиш даражаси жуда паст бўлиб, 100 та мамлакат ичида 88-ўринни эгаллайди [11]. Инглиз тили муҳити бу ўзаро мулоқот воситасигина эмас, балки ана шу тилда яратилган технологияларни тушуниш ва фойдаланиш имконияти ҳамдир. Ижтимоий ҳаётда кузатганимиз – дунёнинг илғор мамлакатларида яратилган ихтиролар, одатда, ана шу мамлакатларда аҳолининг кундалик эҳтиёжлари, шунингдек, билим олиши учун шарт-шароитларни кенгайтиришга хизмат қилади. Инглиз тили муҳитидан йироқ, ривожланишдан орқада қолган айрим мамлакатларда эса замонавий технологиялар кўнгилхушлик воситаси ва бошқа салбий ҳолатларда ишлатилади. Ушбу масала бўйича мисоллар юқоридаги бобларда youtube видеохостинги ва telegram ижтимоий тармоғидаги контентдан келиб чиқилган таҳлилларда кўрсатиб берилган. Демак, инглиз тилини мукаммал эгалламасдан илғор технологияларни жорий қилиб, унинг ижобий натижасини кутиш самарасиздир.

Дунё миқёсидаги етакчи онлайн платформалардан бири Udemy хизматларидан 44 миллиондан ортиқ ўқувчи-талабалар фойдаланади. 65 мингдан ортиқ ўқитувчиларнинг иш жойи айнан мана шу платформадир. Ушбу платформада 183 мингдан ортиқ курслар бўлиб, уларни 600 миллионга яқин талабгорлар ўқиган [12].

Ушбу платформа глобал миқёсда таълим парадигмалари ўзгаришининг яққол намунасидир. Қайд этилишича, ҳар ойда Udemy таҳлилчилари мамлакатлар бўйича касбларга бўлган қизиқишнинг динамикасини ўрганиб чиқади ва жамоатчилик эътиборига ҳавола этади. Маълумотларни таҳлил қилиб чиқсак, талабгорларнинг хоҳиш-истаклари ойма-ой ўзгариб турганини кузатиш мумкин.

Ойма-ой таҳлил қилинганда ҳам масофавий таълим курсларига бўлган юқори талаб Ўзбекистонда амал қилиб келаётган иш берувчилар томонидан буюртмалар портфелини шакллантириш каби амалиётлардан воз кечиш зарурлигини кўрсатиб турибди. Давлат аппарати таркиби ва харажатларини қисқартириш сиёсати амалга оширилаётган бир вақтда вазирликлар томонидан буюртманома шакллантириш муҳим амалий аҳамиятга эга эмас.

Ўзбекистонда дунё таълимининг илғор тенденцияларидан келиб чиқиб, қатор ишларни амалга ошириш мумкин. Таълим фалсафаси соҳасидаги илмий тадқиқотларга эътибор қаратиб, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ташкил қилиш керак. Таълим тизимини бошқаришнинг қотиб қолган моделларидан воз кечиб, янгиларни татбиқ этиш учун таълим соҳасида чуқур илмий тадқиқотлар керак. На фалсафа, на педагогика, на менежмент ушбу масалаларни тўлиқ қамраб ола олмас экан, таълим фалсафаси йўналиши тадқиқотчилари айнан мана шу масалалар билан тизимли равишда шуғулланиши керак. Шу йўналишда Ўзбекистонда таълимнинг илғор технологияларини татбиқ этиш маркази ташкил этилиб, ушбу марказнинг тавсиялари ҳам қарор қабул қилувчи, ҳам ижро этувчи органларга етказилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда болалалар ва ёшлар ўртасида инглиз тилини ўрганишни рағбатлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш зарур. Одатда, боғчадан бошланадиган инглиз тили то докторантурага (агар шу ергача ўқиса) киргунга қадар давом этади. Лекин кутилган натижа бўлмайди. Ўқитувчининг ўзи етарлича билим ва методикага эга эмас ва, энг асосийси, Ўзбекистонда инглиз тили муҳитини вужудга келтириш қийин масала бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, мактабнинг юқори синфи ҳамда барча ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўтишни дунёдаги энг илғор онлайн платформаларга топшириш зарур. 10–15 доллар эвазига ушбу платформалар қизиқувчиларнинг маълум бир билимга эга бўлишини таъминлайди. Бу, биринчидан, ўта арзон, иккинчидан, ўта шаффоф тизимдир. Шу йўналишдаги ишларни давом эттириб, инглиз тилини мукаммал эгаллаган ва тегишли сертификати бор қизиқувчилар давлат бюджети томонидан хоҳлаган онлайн курсларига маблағ тўлаб бериш амалиётини жорий этиш зарур.

Ноанъанавий таълим шакллари ижтимоий ҳаётга кириб келишда давом этади ва бу жараён ривожига пандемия ва инқирозлар каби йирик ҳодисалар катта туртки бўлиб хизмат қилади. Бу эса соҳадаги ўзгаришларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва бу жараёнга интеграция қилиш учун имкониятларни ишга солишни тақозо этади. Ноанъанавий таълим ўзининг моҳиятига кўра инсоний мулоқотни чеклаб қўйиши мумкин. Бунинг оқибатида билимли, лекин ижтимоийлашмаган шахсларнинг қатламини вужудга келтириши ва улар ижтимоий қарама-қаршиликларнинг манбасига айланиши мумкинлигини истисно этмайди. Таълимнинг ноанъанавий шаклларида таҳсил олган талабаларда ижтимоий масъулият ва бошқарув иерархиясидаги мақомни идентификация қилиш билан боғлиқ муаммолар вужудга келиши мумкин. Бунинг оқибатида эса давлат ва жамият бошқарувининг ўзагини ташкил қиладиган олий маълумотли кадрларда етарли компетенциянинг шаклланмаслиги мумкин.

Адабиётлар:

1. *Зиновева Е.А*. Социокультурный статус образования как пространства равноправия. // Вестник Повольжской академии государственной службы, 2009. 3(20). – С. 131–132.

2. *Мангейм К*. Диагноз нашего времени. – Москва: Юрист, 1994. – 700 с.

3. *Ницше. Ф., Фрейд З., Фромм Э., Камю А., Сарт Ж.П.* Сумерки богов // В кн.: Будущее одной иллюзии. – Москва: Политиздат, 1990. – 183 с. [Электронный ресурс]. URL: http://www.bibliotekar.ru/sumerki/index.htm (Дата обращения: 12.04.2021)

4. Хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тизими белгиланди. [Интернет манба]. URL: https://president.uz/uz/lists/view/3883 (Мурожаат этилган сана: 22.07.2021)

5. How to land a job at Facebook. [Online]. URL: https://www.cnbc.com/2018/02/27/how-to-land-a-job-at-facebook.html (Date of access: 22.07.2021)

6. BOUT 42 SILICON VALLEY. [Online]. URL: https://www.42.us.org/about/ (Date of access: 02.07.2021)

7. Udacity's Sebastian Thrun, Godfather Of Free Online Education, Changes Course [Online]. URL: https://www.fastcompany.com/3021473/udacity-sebastian-thrun-uphill-climb (Date of access: 13.09.2021)

8. Udacity. Online Courses Taught bu Expert. [Online]. URL: https://www.udacity.com/us (Date of access: 13.09.2021)

9. University Suspends Online Classes After More Than Half the Students Fail. [Online]. URL: https://slate.com/technology/2013/07/san-jose-state-suspends-udacity-online-classes-after-students-fail-final-exams.html (Date of access: 14.09.2021.

10.What is a Nanodegree program? [Online]. URL: https://www.udacity.com/blog/2016/07/nanodegree-101.html (Date of access: 20.09.2021)

11. Рейтинг стран по уровню владения английским языком [Электронный ресурс]. URL: https://nonews.co/directory/lists/countries/english-proficiency-index (Дата обращения: 25.10.2021)

12. We share knowledge with the world. [Online]. URL: https://about.udemy.com/?locale=ru-ru (Date of access: 25.10.2021)

13. The Best Online Learning Platforms of 2021. [Online]. URL: https://www.bitdegree.org/online-learning-platforms. (Date of access: 02.07.2021)

NON-TRADITIONAL FORMS OF HIGHER EDUCATION IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION AND THEIR DEVELOPMENT TRENDS

A.A. Egamberdiev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 1 (61). 5-13.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: education, higher education, lifelong learning, diploma, distance learning, information technology, English, vocational

The education system is one of the most important social achievements discovered and developed by mankind. The system reflected any positive or negative changes in the course of historical development. Any change in the life of society, modernization objectively led to the transformation of the education system.

In the conditions of the modern process of globalization, the timely response of our education system to the challenges of our social life full of contradictions, the ability to adapt to social changes largely determine the direction of social development. Because today it is possible to correctly respond to global changes, and the necessary education system itself becomes its object under the influence of globalization. As a result, the education system also faces strong contradictions and, in some cases, a crisis.

Social Development of general education was needed for all members of society. The process of socialization of each member of society and the need to carry out certain social activities based on these needs have strengthened the institutional status of the education system in society. Unlike jurisprudence and economics, the socio-philosophical approach allows one to analyze processes in a way that does not depend on certain legal and economic laws.

Attitudes towards professions around the world are based not on diplomas, but on the motto of skills, and the most interesting information for employers is that the applicant has the competence for the job. Such trends encourage parents and graduates to care more about the future. In a rapidly changing environment, it is impossible to earn a lifetime diploma and work quietly for 50 years. As a result of the development of civil society and similar changes on a global scale, non-traditional methods of higher education are emerging.

Let's talk about the structures of higher education, which are not in Uzbekistan or they are very rare. By higher education, we understand a social institution that is necessary for the life of society, requires deep knowledge and skills, but is not attached to a person in a document (diploma).

Non-traditional forms of education continue to enter

public life, and large-scale events such as pandemics and protests are the main impetus for this development. This requires regular analysis of changes in the field and the use of opportunities for integration into this process. Non-traditional teachings, by their very nature, can limit human communication. As a result, the possibility is not ruled out that educated but not socialized individuals may form a stratum and become a source of social conflicts. Students enrolled in non-traditional forms of education may have problems with determining their position in the hierarchy of social responsibility and management. As a result, higher education personnel, which form the core of state and public administration, may not be competent enough.

References:

1. Zinoveva, E.A. (2009) Sociokul'turnyj status obrazovaniya kak prostranstva ravnopraviya [Sociocultural status of education as a space of equality*]. Vestnik Povolzhskoj akademii gosudarstvennoj sluzhby*. 3(20). Pp. 131-132.
2. Mangejm, K. (1994) *Diagnoz nashego vremeni* [Diagnosis of our time]. Moscow: Yurist.
3. Nicshe, F., Frejd, Z. (et.al.) (1990) *Sumerki bogov* [Twilight of the Gods].In: Budushchee odnoj illyuzii [The future of one illusion]. Moscow: Politizdat. [Online]. URL: http://www.bibliotekar.ru/sumerki/index.htm (Date of access: 12.04.2021)
4. Xotin-qizlar va yoshlar masalalari bo‘yicha yangi ish tizimi belgilandi. [Online]. URL: https://president.uz/uz/lists/view/3883 (Date of access: 22.07.2021)
5. How to land a job at Facebook. [Online]. URL: https://www.cnbc.com/2018/02/27/how-to-land-a-job-at-facebook.html (Date of access: 22.07.2021)
6. BOUT 42 SILICON VALLEY. [Online]. URL: https://www.42.us.org/about/ (Date of access: 02.07.2021)
7. Udacity’s Sebastian Thrun, Godfather Of Free Online Education, Changes Course [Online]. URL: https://www.fastcompany.com/3021473/udacity-sebastian-thrun-uphill-climb (Date of access: 13.09.2021)
8. Udacity. Online Courses Taught by Expert.. [Online]. URL: https://www.udacity.com/us (Date of access: 13.09.2021)
9. University Suspends Online Classes After More Than Half the Students Fail. [Online]. URL: https://slate.com/technology/2013/07/san-jose-state-suspends-udacity-online-classes-after-students-fail-final-exams.html (Date of access: 14.09.2021.
10. What is a Nanodegree program? [Online]. URL: https://www.udacity.com/blog/2016/07/nanodegree-101.html (Date of access: 20.09.2021)
11. Rejting stran po urovnyu vladeniya anglijskim yazykom [Ranking of countries by level of English proficiency]. [Online]. URL: https://nonews.co/directory/lists/countries/english-proficiency-index (Date of access: 25.10.2021)
12. We share knowledge with the world. [Online]. URL: https://about.udemy.com/?locale=ru-ru (Date of access: 25.10.2021)
13. The Best Online Learning Platforms of 2021. [Online]. URL: https://www.bitdegree.org/online-learning-platforms. (Date of access: 02.07.2021)

Муаллиф ҳақида маълумот:
ЭГАМБЕРДИЕВ Азизбек Абдумаликович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Андижон давлат университети Фалсафа кафедраси доценти. E-mail: aziz_botir@mail.ru